Ушбу сонда:
2 АНГОРДА МАИШИЙ ХИЗМАТ *нега қониқарсиз аҳволда?*
3 *Тадбиркор қонун ҳимоясида* АСОССИЗ ЖАРИМА ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ
4 ИШҚИБОЗ *Ҳикоя*

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 25 октябр, чоршанба №157 (989)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ёшлар ишлари қўмитасида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Олимпиада-2001» спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита йиғилиши бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, қўмита ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишни қўмита раиси Азамат Зиё бошқарди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Халқ таълими вазири Р.Жўраев, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Маҳситов ва бошқалар сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Чунки, мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги ана шу ёшларга, уларнинг қанчалик соғлом ва бақувват бўлиб етишишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Табиийки, ёшлар тарбиясида спорт ўзига хос ўрин тутади. Бу борада умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳам бирламчи вазифалардандир. Мактабларда спортга оид тадбирларни ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилиши лозим. Ҳар бир мактабда спортнинг оммавий турларидан бири ҳисобланган футболни ривожлантириш, бунинг учун замонавий футбол майдончалари барпо этиш лозим. Мактабларда замонавий спорт иншоотларини қуришга алоҳида аҳамият бериш зарур. Бундай омиллар эса ўз навбатида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг спорт мусобақаларини юксак савияда ўтказилишини таъминлашга имкон беради.

«Олимпиада-2001» республика спорт мусобақалари 2000-2001 ўқув йилларида тўрт босқичда ўтказилади. Биринчи босқич умумтаълим мактабларида ноябр-январ ойларида, иккинчи босқич туман мусобақалари феврал ойида, учинчи босқич - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида март ойида, тўртинчи финал босқичи келгуси йилнинг май ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

Йиғилишда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Олимпиада-2001» спорт мусобақаларининг Низоми тасдиқланди.

**(ЎзА).**

## «ОФАРИН» ЖАМҒАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Миллий матбуот марказида Республика «Офарин» жамғармасининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

Мустақил мамлакатимизда илк бор ўтказилган «Офарин» - йилнинг энг яхши ижодкорлари республика танлови ўз моҳиятига кўра нуфузли танловлар қаторидан жой олди, десак янглишмаган бўламиз. Боиси Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилган ушбу танлов ҳаёти ва ижодини юрт иқболи, миллат тараққиётига бахшида этган, шу йўлда изланаётган фидойи ижодкорларни улуғлаш, меҳнатларини қадрлаш, янги зафарларга даъват этишдек энг эзгу мақсадда ташкил қилинган эди.

Танловнинг «Шу азиз Ватанни, азиз халқимизни, мусаффо осмонимиз ва она заминимизни ҳар қанча улуғласак, ҳар қанча куйласак оз!» шиори остида ўтказилиши ҳам унинг мазмун- моҳиятини яққол ифодалаб турибди. Наврўз байрами арафасида мазкур танловнинг дастлабки ғолибларини тантанали равишда шарафлаш маросими бўлиб ўтганди. Айтиш жоизки, адабиёт ва санъат, телерадио, матбуот йўналишларида ўтказилган мазкур ижодкорлар беллашуви ғолиблигига юртимиз фахри бўлган энг иқтидорли ижодкорларнинг йигирма нафари танлаб олинди. «Офарин» мукофотининг маданий ҳаётимизда тутган аҳамияти, нуфузи хорижий давлатларда ҳам эътироф этилаётир. Ана шу хайрли юмушларни мунтазам бошқарадиган муайян бошқарув тизими ташкил этилиши заруратини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. «Офарин» жамғармасининг таъсис қилиниши бундай тадбирларнинг янада кенгроқ қулоч ёйишига имкон яратади.

Юртимиз ижодкорларини янада кўтаринки руҳда меҳнат қилишга даъват этиш, истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, мустақиллик ғояси асосида Ватан, эл-юрт, инсонпарварлик, тинчлик ва тотувлик, дўстлик мавзуларини ижодкорлар асарларида кенг акс эттирувчи, ёшларда истиқлол ва буюк келажагимизга ишонч туйғуларини шакллантирувчи энг яхши ижод намуналарини яратишга кўмаклашиш янги жамғарманинг асосий вазифасидир.

Йиғилиш иштирокчилари таклифига кўра, Маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев Ўзбекистон «Офарин» жамғармаси раиси этиб сайланди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Ҳабиб САЪДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири.

## БАҒРИМГА ҚАЙТ, АДАШГАН БОЛАМ!

*Гул кўнглинг тош каби қотмасдан туриб,*
*Ҳали қўлинг қонга ботмасдан туриб,*
*Имонинг долларга сотмасдан туриб,*
*Менинг кўксимга тош отмасдан туриб,*
*Тарих лаънат ҳукмин айтмасдан туриб,*
*Бағримга қайт, болам,*
*Адашган болам,*
*Басти қучоғимга ярашган болам!*

*Сен туғилган дамда қувонганим бор,*
*Ширин орзулардан уйғонганим бор,*
*Ҳар кун қаддинг кўриб юпанганим бор,*
*Сенга тақдиримни инонганим бор,*
*Ишончим қуёши ботмасдан туриб,*
*Бағримга қайт, болам,*
*Адашган болам,*
*Басти қучоғимга ярашган болам!*

*Балолардан асраб, суйиб, ардоқлаб,*
*Сенга ато этдим фаросат ва қалб,*
*Карвондан адашган бўтага ўхшаб,*
*Бугун қаерларда юрибсан қақшаб,*
*Ёвузлик заҳрини тотмасдан туриб,*
*Бағримга қайт, болам,*
*Адашган болам,*
*Басти қучоғимга ярашган болам!*

*Сени йўлдан урган бахти қаролар,*
*Касби ғаламислик, кори-риёлар,*
*Онасига ҳуриб, ёвга ёлборар,*
*Шул эваздан рағбат, садақа олар,*
*Ўшалар қавмига ўтмасдан туриб,*
*Бағримга қайт, болам,*
*Адашган болам,*
*Басти қучоғимга ярашган болам!*

*Аждодлардан мерос шу боғу роғлар,*
*Бағрида ганжина сақлаган тоғлар,*
*Бедахл сеники бўлгани чоғлар*
*Ғўрлик қилсанг, ғаним ўзингни доғлар,*
*Доғда қолиб фарёд этмасдан туриб,*
*Бағримга қайт, болам,*
*Адашган болам,*
*Басти қучоғимга ярашган болам!*

*Жалолиддин насли,*
*Темур авлоди*
*Эрк йўлида берган ёғийлар додин,*
*Бу кун ҳурлик бўлгач Аллоҳ имдоди*
*Хоинни кечирмас аждодлар ёди.*
*Хиёнат лойига ётмасдан туриб,*
*Бағримга қайт, болам,*
*Адашган болам,*
*Басти қучоғимга ярашган болам!*

*Билки, бир давлатда бир тахт, бир султон,*
*Якто бўлар элга Йўлбошчи ўғлон,*
*Шу тахтни талашган уч-тўртта нодон,*
*Ватани, халқини сотурлар арзон,*
*Сени ҳам арзонга сотмасдан туриб,*
*Бағримга қайт, болам,*
*Адашган болам,*
*Басти қучоғимга ярашган болам!*

*Кўрдинг-ку уларнинг кори фирибдир,*
*Вос-восда шайтоний йўлга кирибдир,*
*Ўзлари панада ишрат қурибдир,*
*Эргашган шўрликлар гўрсиз чирибдир,*
*Шу қисмат ёқангдан тутмасдан туриб,*
*Бағримга қайт, болам,*
*Адашган болам,*
*Басти қучоғимга ярашган болам!*

*Гарангсиб шу йўлга қўйибсан қадам,*
*Не тонг, хатоларда тобланар одам,*
*Айбга иқрор бўлиб, тавба қилган дам,*
*Кесмагай эгилган бошни қилич ҳам,*
*Эл-юртинг нафрати ортмасдан туриб,*
*Бағримга қайт, болам,*
*Адашган болам,*
*Басти қучоғимга ярашган болам!*

*Мунис онангдирман — Ўзбекистонман,*
*Гарчи қилмишингдан зору нолонман,*
*Кечирмоққа мойил чин мусулмонман,*
*Ўзим сенга имон, ўзим қалқонман,*
*Куфр ботқоғига ботмасдан туриб,*
*Бағримга қайт, болам,*
*Адашган болам,*
*Басти қучоғимга ярашган болам!*

## «UPS» - ТЕЗКОР ПОЧТА

Хат ва юкларни исталган манзилга етказиб бериш бўйича халқаро экспресс почта ҳисобланувчи Ўзбекистон-Америка сервис қўшма корхонаси - «UPS»нинг Бухоро филиали иш бошлади. Экспресс почта дунёдаги 200 дан ортиқ мамлакатга узоғи билан 48 соат ичида мижозларнинг юк ва хатларини етказиб беришни кафолатлайди.

Филиал дастлабки кунлардаёқ бухороликларнинг мактублари, юк ва жўнатмаларини Канада, АҚШ, Германия, Исроилга етказиб берди.





Самарқанд шаҳрида аллома Абу Мансур ал-Мотурудий таваллудининг 1130 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Айни кунларда Регистонга туташ Чокардиза қабристонидаги имом ал-Мотурудий мақбараси таъмирланмоқда. Ён-атроф ободонлаштирилиб, ажойиб хиёбон барпо этилмоқда.

**Суратларда: табаррук қадамжо қурилишидан лавҳалар.**

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Матбуот сўзининг таъсири*

## ҚЎШИМЧА ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛАЯПТИ

***Газетамизнинг шу йил 27 сентябр сонида чоп этилган «Ишсизлик — бекорчилик муаммоси Мироқида ҳал этиладими?» сарлавҳали мақолада мазкур шаҳарча аҳолисини иш билан таъминлаш муаммоси анча йиллардан буён ўз ечимини топмаётгани, натижада ёшларнинг бир қисми иш қидириб бошқа туманларга кетишга мажбур бўлаётгани, шунингдек, ҳудуддаги маданий—маиший шохобчалар фаолияти қониқарсизлиги боис оқшомлар зерикарли ўтаётгани, бунинг устига ободонлаштириш ишлари ҳам ўлда-жўлдалиги танқид остига олинганди.***

***Ушбу мақола юзасидан таҳририятимиз Шаҳрисабз тумани ҳокимлигидан жавоб хати олди. Унда жумладан, шундай дейилади:***

— Газета чиқишига муносабат билдириш мақсадида мақолада келтирилган далиллар ишчи гуруҳи томонидан ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Текшириш якунлари ҳокимликда аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, туман халқ таълими, маданият бўлимлари, коммунал хўжалик фойдаланиш бошқармаси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, туманлараро ҳунармандлар уюшмаси, Мироқи шаҳарча фуқаролар йиғини ҳамда бошқа мутасадди ташкилот, корхона раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиниб, мақолада билдирилган эътирозлар асосан тўғри, деб топилди. Ҳақиқатан ҳам четда ишлаётганлар сони 138 нафарни ташкил этади. Жорий йилнинг ҳозирги кунигача меҳнат биржасига 111 киши мурожаат қилган бўлса, улардан 69 нафари ишга жойлаштирилди. Шаҳарчада кейинги қисқа вақт ичида 28 та янги иш ўринлари излаб топилди. Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси томонидан «Истеъдод» ишлаб чиқариш корхонасига берилган кредит ҳисобига яна 10 нафар киши ишли бўлди. Рўйхатга олинган ишсиз фуқароларни босқичма—босқич бирор касб билан банд этиш чоралари кўрилмоқда.

Туман коммунал хўжалик бошқармаси шаҳарча кўчаларидаги ёритгичларни янгиларига алмаштирди, ички йўлларни таъмирлай бошлади. Кўп қаватли уйларни иситиш муаммоси ҳал этилди: иситгичлар таъмирланди, мазут захираси яратилди.

Ободончилик масаласидаги камчиликларни бартараф этиш фуқаролар йиғини, коммунал хўжалиги ва оталиқ ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилди.

Шаҳарча маданият саройида ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун турли қизиқарли тадбирлар уюштирилмоқда. Сарой фаолиятини янада яхшилаш мақсадида уни маданият бўлими тасарруфига ўтказиш, кутубхонани янги китоблар билан бойитиш масаласини ҳал қилишга киришилди.

Аҳолини иш билан таъминлашни яхшилаш учун «Садо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Камол» ишлаб чиқариш ва савдо фирмасидаги цехлар кенгайтирилиб, иш икки сменада ташкил этилади.

Туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раҳбарлари зиммасига тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда 2000-2001 йилларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, ҳунармандчилик йўналишида уста—шогирд мактабларини очиш, якка тартибда тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш эвазига қўшимча ишчи ўринлари яратиш вазифаси юклатилди.

**Б.САИДОВ,**
**Шаҳрисабз тумани ҳокими ўринбосари.**

*Яхши ишлаб, яхши даромад олаётганлар*

## «ПАХТАБАНК»

### *йиғим-терим қатнашчиларини ўз вақтида маблағ билан таъминламоқда*

***Матбуотда Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни туғаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ана шу ҳужжатда илгари сурилган долзарб вазифаларни амалга ошириш, хусусан, бебаҳо бойлигимиз - оқ олтинни тезроқ саранжомлаб олишда «Пахтабанк» Навоий вилоят бошқармасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Қуйида банк мутасаддиларининг шу кунларда амалга ошираётган тадбирлари ҳақида ҳикоя қилинади.***

Навбаҳор туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалиги аъзоси Рауф Абдиазимов оиласи билан пахта йиғим-теримида фаол қатнашиб, бир беш кунликнинг ўзида 72 минг сўм нақд пул олди. Хўжаликнинг 15-бригадасида ишловчи Назира Умарова бир беш кунликда 55 минг, 2-бригада аъзоси Ботир Бобожонов оиласи эса 44 минг сўм маблағга эга бўлдилар. Хўш, деҳқонларнинг бундай моддий манфаатдорликка эришишига нималар сабаб бўлмоқда?

Маълумки, шу йилнинг 24 августида Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унда пахта йиғим-терими қатнашчиларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида хўжаликлар далаларидаги мавжуд ҳосилга қараб табақалаштирилган ҳолда ҳақ тўлаш тавсия қилинди. Хусусан, қўлда терилган ўрта толали нав пахта учун камида 14 сўм, ингичка толали пахта учун 16 сўм ҳақ тўланадиган бўлди.

Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси, Марказий банк ва бошқа тижорат банклари зиммасига теримчилар ва пахта териш машиналарининг механик ҳайдовчилари билан, шунингдек, пахтани юклаш, тушириш, тайёрлаш, транспортда ташиш, жойлаштириш ҳамда ишлов бериш, пахта териш техникасига техника хизмати кўрсатиш ва тузатишда банд бўлган ходимларни вақтида маблағ ва етарли миқдорда нақд пул билан таъминлаш вазифаси топширилди.

— Шу қарорга асосан ходимларимиз шу йилнинг 1 октябригача 801 миллион 508 минг сўмни йиғим-терим қатнашчиларига тарқатдилар, - дейди «Пахтабанк»нинг Навоий вилоят бошқармаси бошлиғи Чинпўлат Қаноатов. - Бунда бошқарманинг Кескинтерак бўлими ходимларининг ҳиссаси катта бўлди. Чунки улар шу кунгача Навбаҳор туманининг 14 та жамоа хўжалиги йиғим-терим қатнашчиларига 257 миллион 965 минг сўм нақд пулни етказиб бердилар. Натижада туманнинг С.Жўраев номли жамоа хўжалиги йиллик режани мўлжалдан анча илгари бажариб қўйди. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, вилоят «Пахтабанк»ининг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлари хўжаликларда бўлиб, терим учун тўловлар ўз вақтида ва мақсадга мувофиқ сарфланиши устидан назорат олиб бораяптилар.

Бугунги кунга келиб банк мижозлари икки минг нафардан ортиб кетди. Уларнинг ярмига яқини кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи корхоналар ҳисобланади. Шу боис, бошқарма ходимлари тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларга кредит ажратишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан, ўтган 9 ой ичида кичик ва ўрта бизнес субъектларига 207 миллион 86 минг сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Бунинг асосий қисми, яъни 138 миллион 262 минг сўми банкнинг ўз маблағи ҳисобидан бўлди. Тадбиркорларга қарз бериб туриш натижаси ўлароқ вилоятда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўпайиши билан бирга янги иш ўринлари ташкил қилинишига ҳам имкон яратилмоқда. Мисол учун Конимех туманидаги «Тўқсонбобо» деҳқон-фермер хўжалигига бир миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит берилганди. Шунинг ҳисобига 6 нафар ишсиз иш билан таъминланди. Қорамоллар сони эса йил бошига нисбатан 50 бошга ошди. Навбаҳор туманидаги «Гулнигор» хусусий фирмасида кредит ҳисобига янги 10 та ишчи ўрни яратилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлашда банк Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесга кўмаклашиш «Бизнес-фонд» билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунинг натижасида ўтган тўққиз ой ичида тадбиркорларга бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан 44 миллион сўмга яқин кредит ва микрокредитлар ажратилди.

Тадбиркорлар ишини енгиллаштириш ва уларни ахборотлар билан таъминлаш борасида ҳам бирмунча ишлар қилинди. Жумладан, бошқарма ва унинг бўлимларида ишбилармонлар бурчаклари ташкил этилган бўлиб, унда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, кредитлар бериш бўйича йўриқномалар, уларни расмийлаштириш тартиблари намунавий нусхалари акс эттирилган.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жамғармаларга жалб қилиш бугунги кунда банклар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Чунки бундан одамлар ҳам, банклар ҳам манфаатдор. Буни ўз вақтида тушунган бошқарма ходимлари кейинги вақтларда бир нечта янги омонат турларини жорий этди. «Пахтакор», «Оқ-олтин», «Навниҳол», «Нафақа», «Фаровонлик», «Барака» каби омонат турлари шулар жумласидандир. Натижада жисмоний шахсларнинг банкка қўйган пуллари 77 миллион 144 минг сўмга ошиб, унинг миқдори 87,5 миллион сўмга етди. Ваҳоланки, йил бошида бу кўрсаткич бор-йўғи қарийб 10,5 миллион сўмни ташкил қиларди, холос.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларни иложи борича камайтириш бўйича ҳам бошқармада бирмунча ишлар қилинди. Хусусан, бошқарма ва унинг бўлимларида ягона молиявий ҳисоб-китоб кунлари тез-тез ўтказиб турилади. Бунинг натижасида ўтган давр ичида 91,7 миллион сўм дебитор, 80,6 миллион сўм кредитор қарзларнинг камайишига эришилди.

Тадбиркорларга кредит бериш кўпайганлиги вилоятда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажми, аҳолига маиший ва савдо хизмати турларининг кўпайишига олиб келмоқда. Энг муҳими, кассага нақд пул тушуми ортиб, эмиссия даражасининг пасайишига хизмат қилмоқда. Масалан, банкда ўтган давр ичида белгиланган хазина кирим режаси ортиғи билан бажарилди ва нақд пул эмиссия даражаси анчагина қисқартирилишига эришилди. Бунинг оқибатида пенсиялар, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, стипендиялар ва қишлоқ хўжалик корхоналари ўз вақтида нақд пул билан таъминланди.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## СУВ ТАНҚИСЛИГИ БАҲОНА ЭМАС

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида Оролбўйи ҳудудида қишлоқ хўжалигини, айниқса, пахтачиликни ривожлантиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлар ҳокимлари, агросаноат мажмуи таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишни Жўқорғи Кенгес Раиси Т.Камолов бошқарди.

Таъкидланганидек, Оқсаройда пахтачилик соҳасига бағишланган йиғилишда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов кўрсатиб ўтган камчиликлар Қорақалпоғистонда ҳам мавжуд. Оролбўйи ҳудудида бу йил сув танқислиги кўп қийинчиликлар келтириб чиқарган бўлса-да, оби ҳаёт билан меъёрида таъминланган Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа, Хўжайли туманларида масъулиятсизлик, сусткашликка йўл қўйилди, меҳнат интизоми бўшаштириб юборилди. Сув танқислигига чидамли, эртапишар ғўза навларини районлаштиришга кам эътибор берилди.

Йиғилишда йўл қўйилган камчиликларга барҳам бериш, пахта ва шоли йиғим-теримини тез кунларда якунлаш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

**А.ИСКАНДАРОВ.**

## Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

**САВОЛ: Корхоналарда муқобил хизматни ўташ тартиби тўғрисида тушунча берсангиз. Бу хизматни кимлар ўташи мумкин, уларнинг ёши чегараланганми?**

**ЖАВОБ:** Корхоналарда муқобил хизматни ўташ тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 июндаги 275-сонли қарори билан тасдиқланган. «Муқобил хизматни ташкил этиш ва уни ўташ тартиби тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади.

Муқобил хизматга чақириш ҳарбий ҳисобда турган ва муддатли ҳарбий хизматга чақириладиган 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган эркаклар учун юқорида кўрсатиб ўтилган норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади. Муқобил хизматни ўташ ҳуқуқидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчидан ташқари чақирилувчи ўн олти ёшга тўлмаган тўрт ёки ундан кўп болали оиладан бўлса, унинг отаонаси ёки ака-ука (опа-сингил)лари ҳарбий хизматни ўташ даврида ногирон бўлиб қолган бўлса, у диний таълимоти қурол ишлатишга ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг аъзоси бўлса фойдаланадилар.

«Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасига муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларини ҳам аниқлаш ҳуқуқи берилган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг «Муқобил хизматни ташкил этиш ва уни ўташ тартиби тўғрисида»ги Низомига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар чақириқ комиссияларининг тиббий комиссиялари томонидан жанговар қисмларда ҳарбий хизматга чекланган даражада яроқли деб топилган фуқаролар, хизматга чақирулганга қадар камида уч ой чўпон бўлиб ишлаганлар муқобил хизматни ўташ ҳуқуқидан фойдаланадилар. Муқобил хизмат ўташ ҳуқуқига эга бўлган фуқаро бу ҳақда мудофаа ишлари туман (шаҳар) бўлими чақириқ комиссияси раисининг номига махсус белгиланган шаклдаги ариза билан мурожаат қилиб, аризагача қуйидаги ҳужжатларни илова қилиши шарт:

а) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилган ҳамда муҳр билан тасдиқланган оиланинг таркиби тўғрисидаги маълумотнома, шунингдек ака-укалар, опа-сингилларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларининг нусхалари;

б) ота-она ёки ака-ука (опа-сингил)лар ҳарбий хизматни ўташ даврида ногирон бўлиб қолганликлари тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

в) тегишли хўжалик раҳбарининг чўпонликка ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруғидан кўчирма;

г) диний ташкилотнинг унинг аъзо эканлиги тўғрисидаги маълумотномаси.

Туман (шаҳар) комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида тиббий кўрик натижаларига мувофиқ тегишли қарор қабул қилади.

Муқобил хизматга чақирилган фуқаро муқобил хизмат туман органининг йўлланмаси билан корхонага ишга жўнатилади. Унга меҳнат дафтарчаси 1998 йил 7 январда тасдиқланган «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» асосида юритилади.

Яъни, хизматга чақирилгунга қадар ишлаганлар меҳнат дафтарчасини тақдим этади, агар ишламаган бўлса, янги меҳнат дафтарчаси очилади.

Муқобил хизмат хизматчиларига корхонадаги Ички меҳнат тартиби қоидаси тўлиқ татбиқ қилинади ва иш берувчи унга нисбатан Меҳнат кодексининг 181-моддасида кўрсатилган интизомий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига эгадир. Фақат меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш муқобил хизмат органининг розилиги билан қўлланилиши керак. Муқобил хизмат хизматчиларига ҳар йили 15 иш кунидан кам бўлмаган меҳнат таътили берилиши керак ва вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги учун уларга нафақа тўлаш умумий асосларда олиб борилади.

Муқобил хизмат муддати 24 ойни, олий маълумотли фуқаролар учун эса 18 ойни ташкил этади. Хизматнинг кўрсатиб ўтилган муддатлари муқобил хизмат органлари томонидан хизматчини муқобил хизматдаги ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиққан кундан бошлаб ҳисоблаб чиқилади.

Иш берувчининг муқобил хизмат хизматчиси билан меҳнат шартномасини бекор қилишига фақат муқобил хизмат органининг билдиришномаси асосидагина йўл қўйилади.

**САВОЛ: Ишдан четлаштириш дейилганда нималар тушунилади? Кимлар томонидан ходимлар қандай ҳолатларда ишдан четлаштирилиши мумкин? Нотўғри ишдан четлаштирилган ходимга ҳақ тўлаш тартиби қандай? Мана шулар тўғрисида батафсил тушунтириш берсангиз.**

**Ш. ОМОНОВ,**
**Бувайда тумани.**

**ЖАВОБ:** Меҳнат кодексининг 113-моддасига мувофиқ ходимни ишдан четлаштиришга фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Аввало, ишдан четлаштиришни ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш билан алмаштириш керак эмас. Чунки ходим ишдан четлаштирилганда у билан тузилган меҳнат шартномасининг шартлари амал қилишдан вақтинча тўхтайди. Ходим ишдан четлаштирилганда эса унга меҳнат дафтарчаси берилмайди. Чунки у ишдан бўшатилган эмас.

Ходим алкоголли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда истеъмол қилиб, унинг таъсиридан мастлик ҳолатида ишга келган бўлса, у шу куни (сменада) ишга қўйилмайди. Ходимнинг бундай ҳолатини тасдиқловчи ҳужжат, яъни камида уч шахс иштирокида далолатнома тузилади ёки унга ихтисослаштирилган тиббий муассасага йўлланма берилади.

Ходимга Меҳнат кодексининг 181—182-моддаларига мувофиқ интизомий жазо чораси қўллаш ўша кундан бошлаб бир ой вақт давомида амалга оширилади.

## ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА





Агар ходим кейинги иш кунлари ҳам ана шу айби учун ишдан четлаштирилса, бу қонуний ҳисобланмайди ва бу мажбуран юрган кунлари учун ўртача иш ҳақи ҳисобида ҳақ тўланади.

Меҳнат кодекси 113-моддасининг 3-қисмига биноан иш берувчи мажбурий тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссия тавсияларини бажармаган ходимни ишга қўймасликка ҳақлидир.

Меҳнат кодексининг 214-моддасига асосан ходимларнинг қуйидаги тоифалари ишга кириш вақтида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтишлари шарт:

— ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;

— олтмиш ёшга тўлган эркаклар ва эллик беш ёшга тўлган аёллар;

— ногиронлар;

— меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;

— озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

— умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлар.

Меҳнат кодекси 214-моддасининг 6-қисмига мувофиқ тиббий кўрикдан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмайдилар. Шу сабабли иш берувчи ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда тиббий кўрикдан ўтилишини иш вақтида ташкил қилиши ва ходимга йўл харажатларини тўлаши шарт.

Агар иш берувчи бу кўрсатилган шартларни бажармаса, шу туфайли ходим тиббий кўрикдан ўта олмаса, уни ўз бурчини бажармади деб баҳолашга асос бўлмайди.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексининг 255-моддаси асосида суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг қарорига мувофиқ ходим лавозимидан четлаштирилиши мумкин. Бу қарорнинг бажарилиши иш берувчи учун мажбурийдир.

Агар суриштирувчи, терговчи, прокурор қарори ва суднинг ажрими талабларига зид келмаса, иш берувчи ходимнинг розилиги билан уни лавозимидан четлатиш даврида бошқа ишга ўтказиши мумкин.

Ходим қонунга зид равишда иш берувчи томонидан ишдан четлаштирилган бўлса, унга ўртача иш ҳақи ҳисобидан ҳақ тўланади. Агар ходим суриштирувчи, терговчи, прокурор қарори ёки суднинг ажрими билан лавозимидан четлаштирилса ва кейинчалик ходим оқланса, унга келтирилган зарар молия органлари томонидан давлат бюджети маблағларидан тўланади.

## Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

**САВОЛ: 1. «Фуқаро мудофаси» машғулотини ўтганлик учун 0,25 ёки 0,50 тариф ставка тўланадими?**

**2. 15 фоизлик моддий рағбатлантириш махсус фондидан бизга қўшимча ҳақ тўланмаяпти. Бунинг сабаби нима?**

**3. Яқинда Президент Фармонига биноан иш ҳақи, стипендия ва пенсиялар оширилди. Бизнинг ижтимоий-таъминот бўлимидагилар ҳар кимга ҳар хил миқдорда қўшимча қўшишган. Шу тўғрими?**

**Мамаражаб СИНДОРОВ,**
**Фориш тумани,**
**Осмонсой қишлоғи.**

**ЖАВОБ:** 1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўрсатмалари ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида «Фуқаро мудофаси» машғулотлари иккинчи ярим йилликда I-IV синф ўқувчилари учун 6 соат, V-VII синф ўқувчилари учун 8 соатдан жисмоний тарбия дастури таркибида ўтказилади. VIII-IX синфларда эса «Инсон муҳофазаси асослари», «Одам ва унинг саломатлиги», «Умумий биология» дастурлари таркибига 8 соат киритиб ўқитилади ва шу асосда ҳақ тўланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 16 августдаги «Республика бюджет муассасалари ва ташкилотларида пенсия, нафақа, стипендия ва иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Молия вазирлиги томонидан 1995 йил 8 сентябрда тасдиқланган тегишли Низомга биноан 1996 йил 1 январда Халқ таълими вазирлиги муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи фондининг 15% миқдорида ходимларни моддий рағбатлантириш махсус фонди ташкил этилган.

Фонд маблағи ташкилот сметаси чиқимида кўрсатилиб, «Иш ҳақи» бандига киритилади ва алоҳида «Моддий рағбатлантириш махсус фонди» деб ёзилиши кўрсатилган. Моддий рағбатлантириш махсус фонди маблағи ходимлар иш ҳақлари ва мукофот пулларига қўшимча ҳақ сифатида берилади.

Ходимларнинг дарс бериш сифати ва ишларни тўлиқ бажаришига қараб қўшимча ҳақ миқдори аниқланади.

Қўшимча ҳақ ходимнинг иш сифатини таъминламагани, ишни ўз вақтида бажармагани, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузгани учун бутунлай берилмаслиги ёки миқдори камайтирилиши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисидаги Фармони нархлар эркинлаштирилаётган шароитда, республика фуқароларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, аҳоли даромадларининг оширилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган. Ҳар сафар иш ҳақлари миқдори оширилганда, тўланадиган пенсияларга Давлат махсус тузатувчи коэффициентлари қўлланилиб, уларнинг иш ҳақлари ҳозирги даврга мослаштирилади ва пенсия миқдорлари қайта ҳисобланиб, белгиланади. Қайта ҳисоблангандан сўнг энг кам пенсия миқдори 1,4, энг кўп миқдори эса 1,6 гача ва ўртача миқдори 1,5 баробар оширилади.

Шу маънода туман ижтимоий таъминот бўлимидагилар тўғри йўл тутишган.

## ХОДИМНИНГ АСОСИЙ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ

**САВОЛ: Ҳурматли таҳририят! «Ҳуқуқий маслаҳатхона» саҳифасида ходимнинг асосий меҳнат ҳуқуқлари тўғрисида тушунча берсангиз.**

**Толиб ОМОНОВ,**
**Ш. Рашидов тумани.**

**ЖАВОБ:** Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 16-моддасида қуйидагича таъриф берилган:

Ҳар бир ходим:

ўз меҳнати учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш;

муддатлари чегараси белгиланган иш вақтини ўрнатиш, бир қатор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартириш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари, шунингдек ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар бериш орқали таъминланадиган дам олиш;

хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш;

касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

иш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;

касаба уюшмаларига ҳамда ходимлар ва меҳнат жамоаларининг манфаатларини ифода этувчи бошқа ташкилотларга бирлашиш;

қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш;

ўзининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, суд орқали ҳимоя қилиш ва малакали юридик ёрдам олиш;

жамоаларга доир меҳнат низоларида ўз манфаатларини қувватлаш ҳуқуқига эгадир.

*Тадбиркор қонун ҳимоясида*

## АСОССИЗ ЖАРИМА ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

***Мамлакатимизда фермерликни ривожлантириш, тадбиркорликни юксалтиришга кенг имконият ва шароитлар яратилмоқда. Ҳуқуқ ва бурчлари эса қонун билан мустаҳкамланмоқда. Бу борада прокуратура ходимларининг роли алоҳидадир. Мухбиримиз Избоскан тумани прокурори, I даражали юрист Собиржон МАТМУСАЕВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.***

Биз тадбиркорликка оид қонунларнинг туманимизда қандай бажарилаётганини ўрганиб чиқдик. Ҳудудимизда 207 та кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи субъектлар бор. Улардан 127 таси савдо, 13 таси қурилиш, 24 таси ишлаб чиқариш ҳамда 17 таси бошқа соҳалар бўйича фаолият кўрсатадилар.

Ўрганиш давомида шу нарса маълум бўлдики, «Бизнес фонд» туман бўлими ўз имконияти даражасида иш олиб боролмаяпти. Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ривожланиши учун моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш етарли эмас. Ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан таъминлаш ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Кўп тадбиркорлар ҳатто «Бизнес фонд» туман ваколатхонаси борлигини билмасликлари унинг қониқарсиз фаолият кўрсатаётганлигидан далолатдир. Ўтган йили фақат 6 нафаргина тадбиркор уларга мурожаат қилган, холос. Молиявий ночор ишбилармонлар кимдан ёрдам сўрашни билмаганлар. Шу боис, «Журналист», «Завқий», «Камалак» сингари 118 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлганлар.

Туманда нодавлат кичик корхоналар, фермер хўжаликлари фаолиятини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш учун ишчи гуруҳи тузилган. Бу гуруҳнинг асосий иши тадбиркорлар фаолиятини тўхтатган ҳолда ҳисобдан чиқариш, туман ҳокимлигига хулоса бериш бўлиб қолган, холос.

Фаолиятини тўхтатган кичик ва ўрта бизнес корхоналарини давлат рўйхатидан чиқариш тўғрисидаги туман ҳокими қарорларининг солиқ идораси, ички ишлар бўлимига тегишли бўлган бандлари ижролари бажарилмай қолиб кетган. Туман ҳокими қарорига биноан фаолиятини тўхтатган фирма ва кичик корхоналар 3 ой ичида якуний тафтишдан ўтказилиши, муҳр ва тамғани бекор қилиш, буларнинг ижросини таъминлаш эса давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш туман бўлими бошлиғи Р.Қурбонов зиммасига юклатилган. Бироқ бу қарор ижросиз қолган. Туман Давлат солиқ инспекцияси ўтган йилда 181 та фирма ва корхоналарда солиқ қонунларининг бажарилиши юзасидан текшириш ўтказган. «Илғор» фермер хўжалиги бошлиғи А.Акбаров, ҳисобчиси К.Қўйчиевга 5250 сўм, «Аббос» фермер хўжалиги раҳбари К.Юсуповга 8750 сўм жарима солинган. Текширишда мазкур жарима юзасидан қарорлар амалдаги қонун талабларига зид бўлганлиги учун прокурор протести келтирилди ва қарор бекор қилиниб, асоссиз жарималар эгаларига қайтарилди.

Тадбиркорларнинг аризаларини рўйхатга олишда ҳам қонунбузарликка йўл қўйилаётганлиги ачинарлидир. Жорий йилнинг бошларида 12 фуқаро кичик ва ўрта бизнес субъекти фаолияти билан шуғулланиш истагини билдириб ариза берган бўлса, улардан 8 нафарининг аризаси муддати бузилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилган. Шунингдек, фермерлар билан шартнома тузишда уларнинг эркинлиги таъминланмаяпти. Пахта ва дон учун шартномалар тузиш пайсалга солинмоқда. Ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун бир неча масъул шахслар жавобгарликка тортилди.

Туман прокуратураси томонидан келгусида нуқсонларга йўл қўйишнинг олдини олиш, мутасадди ташкилотларнинг масъулиятини ошириш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди.

**Суҳбатдош: Қобилжон ШОКИРОВ, «Ишонч» мухбири.**



## КЎНГИЛЛИЛАР КЎМАГИ БИЛАН

***АҚШнинг Тинчлик корпуси кўнгиллилари ёрдами билан жорий йилда Қарши, Самарқанд, Фарғона, Нукус, Урганч Давлат университетлари ва тил ўрганиш марказларига инглиз тилидан бир қанча йўналишдаги уч мингдан зиёд дарслик ва қўлланмалар етказиб берилди.***

— 1992 йилда Ўзбекистон ва АҚШ давлатлари ўртасида таълим ҳамда соғлиқни саақлаш борасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги ваколатхонасининг таълим дастури ассистенти Равшан Аюпов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Ушбу шартномага мувофиқ бугунги кунгача бу борада 500 нафарга яқин мутахассислар фаолият кўрсатишди. Дастурларимиз асосан учта йўналиш: инглиз тили, иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари ҳамда соғлиқни сақлаш тарғиботини ўз ичига қамраб олган. Бу борада АҚШнинг етакчи ўқув даргоҳларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар кўнгилли равишда мамлакатимизга келишмоқда. Уч ой мобайнида ўзбек тилини қисман ўрганганларидан кейин улар жойларга юборилади.

Шунингдек, жамиятда аёллар фаоллигини ошириш борасида дастурлар ишлаб чиқиб, тадбирлар ташкил қилинмоқда. Тадбиркор аёллар уюшмаси билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳамкорлик асносида ташкил этилган «Аёллар жамиятнинг етакчи кучи» мавзусидаги семинар республика марказий шаҳарларининг барчасида ташкил этилди. Шунингдек, Қарши, Фарғона ва Самарқандда «Аёллар клуби»да тил ўрганиш курслари фаолият кўрсатмоқда. Тил ўрганишни хоҳлаган аёллар учун курсларнинг эшиклари доимо очиқ. Бошқарувчилик фаолияти ишларини ўргатувчи махсус курсларда эса асосан ёш қизларимиз таълим олишмоқда.

Самарқанд ва Фарғона телерадиокомпаниялари ҳузурида корпус кўнгллилари томонидан мутахассислар қайта тайёрланмоқда. Улар жаҳон, хусусан АҚШ телерадио тизими тажрибаларини ўрганишмоқда.

Таътил мавсумида Ўзбекистон Миллий университети ва Молия институти талабалари иштирокида ташкил этилган «Иқтисодни ўрганиш лагери» ёшлар билим даражаларининг кенгайишига салмоқли таъсир кўрсатди.

Кўнгиллилар «Меҳрибонлик уйлари»нинг иш тизими фаоллигини ошириш ва такомиллаштиришга ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Яқин кунларда мазкур ташаббускор гуруҳ томонидан Ўзбекистон ёшларига мўлжалланган иқтисодиётга доир китоб ҳам чоп этилиши мўлжалланмоқда.

**«Туркистон-пресс»**





Тошкент шаҳрининг кўҳна мавзеларидан бирида табаррук инсон, академик Юнус Ражабий 1957 йилдан то умрининг охиригача яшаб, ижод қилган уй бор. Мумтоз мусиқамиз ривожига бемисл ҳисса қўшган истеъдодли бастакорнинг бугунги кунда нодир санъат дурдоналарига айланган 5 жилдлик «Ўзбек халқ мусиқаси», 6 жилдлик «Шашмақом» каби асарлари шу уйда яратилган. 1989 йил уй-музейга айлантирилгандан буён табаррук қадамжо доимо зиёратчилар билан гавжум.

**Суратларда: 1.2. Уй-музейидан лавҳалар. 3. Устоз Юнус Ражабий набиралари даврасида (архив).**

**Камолиддин ТЎРАЕВ ва Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ЯПОН ХАТТОТЛАРИНИНГ МАҲОРАТИ

Ўзбекистон амалий санъати музейида япон хаттотлари Кавано, Мацуо, Камибеппу ўз санъатларини намойиш этишди.

Хаттот Кавано сўзга чиқиб, Ўзбекистонга илк бор келганлигини, Бухоро, Самарқанд, Хивада бўлганида мезбонлар томонидан, аввало, очиқ чеҳра ва меҳмондўстлик билан кутиб олинганликларидан ғоят хурсанд эканлигини изҳор этди.

Япон хаттотчилиги кўп халқларда бўлгани сингари узоқ тарихга эга, деди у. Хаттотлик Японияда амалий санъатнинг бир тури бўлиб, Хитой маданияти таъсирида эрамизнинг бешинчи асрида хитой ёзувининг кириб келиши билан бошланган. Ота-боболаримиз дастлаб, хитойча ёзганлар. Сўнгра, секин - аста миллий тилимизнинг талабларига жавоб берадиган хитой иероглифи ёки канжи деб номланувчи усулга ўтилган. Масалан, саккизинчи асрда яшаб, ижод қилган Манёшунинг шеърий асарлари хитой иероглифидан фойдаланган ҳолда япон тилида ёзилган. Мазкур усулнинг кенг қўлланилиши пировард натижада, тўққизинчи асрнинг бошида япон ёзувининг шаклланишига олиб келди.

Япон хаттотлари тадбир иштирокчиларига бундан 3500 йил аввал фойдаланилган белгиларни ёзиб кўрсатиб, уларнинг қандай маъно англатишини тушунтириб беришди.

## ШВЕЙЦАРИЯ КУНИ

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ҳозир чет элдаги қатор олий ўқув юртлари билан яқин алоқалар боғлаб келмоқда. Швейцария тиллар илмий маркази билан ҳамкорлик ҳам яхши самаралар бермоқда.

Олий ўқув юртида уюштирилган «Швейцария куни» байрамини ўтказишда ҳам бундай алоқа қўл келди. Бу муҳим маданий тадбир муносабати билан Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари университетга ташриф буюришди.

Тадбир Швейцария маданияти, сиёсий ва иқтисодий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар ҳам намойиш қилинди. «Швейцария куни» муносабати билан мамлакатда чоп этилаётган газета ва журналлар кўргазмаси ҳам уюштирилди.

## МИСҚОЛЛАБ ЎЛЧАНГАН

*Баъзи бир шарқ қўлёзма асарлари ва шарқ тилларидаги луғатларда келтирилган маълумотларга қараганда, оғирлик ўлчов бирлигини белгилашда дон экинлари ва меваларнинг данакларидан фойдаланилган. Масалан, 1903-1904 йилларда Истамбул шаҳрида нашр этилган «Ахтори Кабир» номли арабча-туркча луғатда ёзилишича, шарқда кенг тарқалган ва энг кичик оғирлик ўлчови мисқол бўлиб, у 20 қиротга тенг экан. Ҳар бир қирот 5 дона арпа донининг оғирлигига баробар бўлган.*

*Демак, бир мисқол 100 дона арпа донига тенг.*

*Ўрта Осиёда қадимда оғирлик ўлчовларидан энг кичиги ва енгили юқорида айтилган «мисқол», энг каттаси эса «ботмон» бўлган.*

*Мисқол билан ботмон оғирлик ўлчови сифатида турли даврларда ҳар хил оғирликни билдирган. XV-XVIII асрларда Зарафшон водийсида мисқолнинг оғирлиги ўртача ҳисоб билан 4,8 граммга тенг бўлган. Бу вақтда кумуш тангалар ҳам деярли бир мисқол оғирлигида сўқилган.*

**А. АЛИЕВ**

# ИШҚИБОЗ

## Ҳикоя

Цех бошлиғининг гапи Шерқўзига алам қилди. «Латтасиз! Латта бўлгандаям яроқсиз латтасиз!» - деди-я. Боплаб жавоб қайтармоқчи бўлди-ю, лекин узоқни ўйлади: иссиқ жойимни совутиб қўймай, деган мулоҳазага борди.

Ўзи Соқи Солиевич бундай олганда ёмон одам эмас. Бироқ баъзан асоссиз бақириб кишининг таъбини хира қилиб қўяди. Ўртоғи Мўминдан: «Соқи Солиевич нега бунақа?» деб сўраганида: «Унга ҳам қийин, каттакондан эшитганининг аламини биздан олади-да», деган эди. Хўш, биз нима қилайлик, аламни кимдан олайлик? Бегонадан олиб бўлмаса?! Агарда заҳрини бориб, хотинига сочса, у — иккиқат. Бўлажак фарзанди ҳали бу дунёнинг азиятини чекмасдан асабий бўлиб қолса-я! Йўқ, нима бўлгандаям ичига ютгани маъқул.

— Бажарамиз, Соқи Солиевич!

— Чиқинг! - Соқи Солиевич жаҳл аралаш кўрсаткич бармоғини эшикка қадади.

Шерқўзи итоаткорона чекинди. Йўлакка чиқиши билан оғир хўрсинди. Цехга ҳам кирмай кўчага отилди. То алами босилгунча шаҳарни сарбасар кезмоқчи бўлди. Шошиб кетаётган одамлар оқими Шерқўзини ўз гирдобига олди...

Дунёнинг зап ишлари бор-да! Бировга ҳамма нарсани беради: мансаб, пул, обрў, барча ишни ҳал қиладиган ота ёки қайнотани насиб этади. Бировга эса ҳатто... Шерқўзининг яна хўрлиги келди. Ўзини ҳимоя қилолмади-я. Бунча ожиз, нотавон бўлмаса?! Журъатлироқ бўлиши керак эди, журъатлироқ. Аслида, ана шу журъат эр йигитнинг фазилати. Лекин катталар буни беодобликка, бетга чопарликка, қолаверса, нодонликка йўйишади. Шундай бўлгандан кейин журъатли бўлиб кўр-чи?

Шерқўзи бундай қараса, одамлар оқими уни стадионга олиб келибди. Беихтиёр чипта олиш учун навбатга турди.

Унинг стадионга тушмаганига ҳам анча бўлди. Уйланмасдан илгари келиб турарди. Кейинчалик футболни фақат телевизорда томоша қила бошлади. Сўнгра шунга ҳам ҳуши келмай қолди. Бугун эса унутилаётган ишқибозлик ҳислари яна қайта жойланди. Ҳакам ҳуштак чалиши билан футболчилар тўпга ташланишди. Ўйин қизғин тус олди. Дам меҳмонлар, дам эса мезбонлар дарвозаси олдида хавфли вазият пайдо бўларди. Шерқўзи ўйинга жон-дили билан берилиб кетар, футболчиларнинг қулай имкониятлардан фойдалана олмаётганликларини кўриб, икки тиззасига шапиллатиб уриб, «аттанг» деб юборар эди. Нима бўлди-ю, меҳмонларнинг ҳимоячиси мезбонлар ҳужумчисини чалиб йиқитди. Бироқ негадир ҳакам бунга эътибор бермади. Бирам ҳуштакбозлик бошланиб кетдики, асти қўяверасиз. Шерқўзи ҳам ўрнидан туриб чинқирди:

— Судья, латта! Латта бўлгандаям яроқсиз латта! Чиқ майдондан, чиқ!

Тўғриси, қичқириши ўзига хуш ёқди. Руҳи шундай енгил тортдики, кўнглидаги ғашликдан асар ҳам қолмади. Ўйин сўнгигача Шерқўзи яна бир неча бор ҳакамга заҳрини сочди. Ўйинда ҳисоб очилмаган бўлса-да, у яхшилаб бақириб олганидан хурсанд эди...

Шундан сўнг Шерқўзи тез-тез стадионга тушадиган бўлди. Соқи Солиевич уни қандай сўзлар билан ҳақорат қилса, у ҳам ҳакамни, ўйинчиларни шундай сўзлар билан ҳақорат қиларди. Бунинг учун ҳеч ким ундан хафа бўлмас, қайтанга ишқибозлар орасида эътибори ошиб борарди.

Корхонада иши яхшилана борди. Соқи Солиевичнинг тавсияси билан Шерқўзининг сурати «Ҳурмат тахтаси»дан жой олди. Сурати остига катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилди: «Пойафзал ремонти цехининг бош мастери, маиший хизмат кўрсатиш илғори Шерқўзи Ғуломов». Ҳар кварталда мукофот тега бошлади. Лекин илғорлар сафидан ўрин олган бўлишига қарамасдан, Соқи Солиевичнинг дағдағаси ҳамон давом этарди:

— Ҳайф, сизга қилган яхшиликларим! Аҳвол шундай давом этаверса, сизни мукофот тешиб чиқади... Сиз бурнингизнинг остида нималар бўлаётганини кўрмаяпсиз. «Ҳурмат тахтаси»га чиққан бўлсангиз ҳам цехда ҳурматингиз йўқ...

Шерқўзи бу гапларга илгаригидек асабларини бузиб, қалтираб ўтирмасди. Беозоргина қилиб: «Бажарамиз» ёки «Тузатамиз», деб қўярди. Қанча жасорати бўлса, стадионда намойиш қиларди:

— Судья! Ҳайф сенга ўша категория!

— Судья! Олган пулинг тешиб чиқсин!

— Судья! Нима бало, кўрмисан? Бурнингни остида чалиб йиқитишди-ку!

— Судья!..

Бир куни Шерқўзини директорнинг ўзи чақириб қолди. Капалаги учиб кетди. «Нима қилибман?» Котиба қизнинг «Табриклайман» деган сўзи эса ажабланишини янаям оширди. «Нима билан?!» дегандек жавдираб қаради.

— Ичкарига киринг, кейин биласиз! - деди у ноз билан.

Шерқўзи хонага кирганида директорнинг ёнида виқор билан ўтирган Соқи Солиевичга кўзи тушди. Соқи Солиевич унга «ўтиринг» маъносида ишора қилди. Шерқўзи энг четдаги стулга омонатгина ўтирди. Директор атрофга кўз югуртириб чиқди-да, столни оҳиста чертиб гап бошлади:

— Ўртоқлар, бу йиғилишимизда фақат битта масала — ташкилий масала муҳокама қилинади. Биз маъмурият билан келишиб, Соқи Солиевични корхона базаси мудирлигига, у кишининг ўрнига эса, кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган Шерқўзи Ғуломовни қўйишни лозим топдик...

Буни сира кутмаган Шерқўзи ҳаяжонланиб кетди. У Соқи Солиевичга миннатдорлик билан тикилди. Ўз навбатида Соқи Солиевич ҳам секин бош силкиб қўйди. Унда гўё: «Мен яхши одамнинг қадрига етаман», деган ифода бор эди.

Шундай қилиб, Шерқўзи Ғуломов цех бошлиғи бўлган кундан бошлаб стадионга бормай қўйди...

**Абдураззоқ ҚЎШШАЕВ,**
**Бухоро.**

*Футбол*

## КИМ КУЧЛИ? «НАСАФ»МИ, «ДЎСТЛИК»?

Маълумки, терма жамоамизнинг қитъа кубогидаги иштироки муносабати билан мамлакат чемпионати олий лигасининг сўнгги 6 тур учрашувлари номаълум муддатга қолдирилган, биринчиликда ўзига хос «кичик танаффус» эълон қилинган эди. Вакилларимиз куни кеча Ливандан шармандали натижаларни «қўлга киритиб» қайтгач, ЎРФФ томонидан ушбу қолдирилган ўйинлар муддатлари белгиланди. Унга кўра, 33-тур 26 октябр (пайшанба), 34-тур 29 октябр (якшанба), 35-тур 2 ноябр (пайшанба), 36-тур 5 ноябр (якшанба), 37-тур 16 ноябр (пайшанба) ва 38-тур 19 ноябр (якшанба) куни ўтказилади. Шунингдек, кечиктирилган «Хоразм» - «Дўстлик» ва «Самарқанд-Д» - «Нефтчи» ўйинлари 9 ноябр, «Турон» - «Дўстлик» ва «Зарафшон» - «Нефтчи» учрашувлари 12 ноябр ҳамда «Дўстлик» - «Трактор» ўйини 22 ноябр куни ўтказиладиган бўлди.

Демак, эртага олий табақа жамоалари навбатдаги, 33 тур ўйинларида иштирок этадилар. Турнинг марказий учрашувлари —— «Насаф» - «Дўстлик», «Нефтчи» - «Навбаҳор» ва «Бухоро» - «Самарқанд-Д» командалари ўртасидаги баҳслар натижаси турнир жадвалига сезиларли ўзгаришлар киритиши мумкин. Қолган ўйинларда қуйидаги командалар ўзаро баҳс юритадилар:



**«Хоразм» - «Сўғдиёна»**
**«Турон» - «Гулистон»**
**«Металлург» - «Пахтакор»**
**«Трактор» - «Семурғ»**
**«Сурхон» - «Кимёгар»**
**«Андижон» - «Темирйўлчи»**
**«Қизилкум» - «Зарафшон»**



## «ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ»: ГУРУҲ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Олий ва биринчи табақа вакиллари мамлакат кубоги дастлабки босқич беллашувларини ўтказдилар. Жамоалар географик жойлашувига кўра 12 та гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс олиб бордилар. Афсус билан айтиш лозимки, бу учрашувлар мухлислар томонидан кутилганидек катта қизиқиш билан қарши олинмади. 8 минг томошабин ташриф буюрган «Шаҳрихон» - «Андижон» учрашувини инобатга олмаганда, бошқа ўйинларда мухлислар сони ўртача ҳисобда бор-йўғи мингтани ташкил этди, холос.

Хуллас, «Пахтакор», «Металлург», «Трактор», «Сўғдиёна», «Хоразм», «Сурхон», «Қизилқум», «Машъал», «Бухоро», «Навбаҳор», «Андижон» ва «Темирйўлчи» жамоалари кейинги босқич беллашувларига йўлланмани қўлга киритдилар. Маълумки, келгуси мавсумда давом этадиган 1/8 финал баҳсларида ушбу ўн икки жамоа билан бирга бу йилги кубок беллашувларининг ярим финалчилари — «Дўстлик», «Самарқанд-Д», «Насаф» ва «Нефтчи» командалари ҳам иштирок этади.

Ихтисослаштирилган
«ЗАМИН» ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК ИПОТЕКА БАНКИ
Пул маблағларини фойдали омонатларга жалб қилишни таклиф этади

Фуқароларга

**Талаб қилиниб олингунча**
- йилига 18%,
фоиз тўловлари ҳар ойда;

**Муддатли «Замин»**
- 3 ойлик - йилига 33%,
6 ойлик - йилига 35%,
12 ойлик - йилига 37%,
фоиз тўловлари ҳар ойда ёки муддат тугагандан сўнг ойлик капитализацияни ҳисобга олган ҳолда тўланади;

**Муддатли «Юлдуз»**
- 12 ойлик - йилига 33%,
омонат бўйича тўлов пул қўйилган кунда тўланади.

**Муддатли «Етти Юлдуз»**
- 7 ойлик, йилига 33%,
фоиз тўловлари муддат тугагандан сўнг ҳар ойлик капитализацияни ҳисобга олган ҳолда тўланади;

**«Нуроний» жамғармаси**
- 1 ойдан 12 ойгача, омонат миқдори
20.200 сўм - йилига **34%**,
40.000 сўм - йилига **35%**,
60.000 сўм - йилига **36%**,
80.000 сўм - йилига **37%**,
100.000 сўм - йилига **38%**,
120.000 сўм - йилига **39%**,
140.000 сўм - йилига **40%**,
160.000 сўм - йилига **41%**,
180.000 сўм - йилига **42%**,
200.000 сўм - йилига **43%**,
220.000 сўм - йилига **44%**,
240.000 сўм - йилига **45%**,
Фоиз тўловлари хоҳлаган пайтингизда тўланади;

**«Ипотека» жамғармаси**
- 1 йилдан 3 йилгача йилига **33%**,
3 йилдан 5 йилгача йилига **37%**,
5 йил ва ундан юқори йилига **45%**,
Фоиз тўловлари ҳар чоракда ёки ҳар йиллик капитализацияни ҳисобга олган ҳолда муддати тугагандан сўнг тўланади.

ZAMIN BANK

Корхона ва ташкилотларга

**Депозитлар 1 ойдан 12 ой муддатгача йиллик 24 фоизи билан.**
**Ойлик фоиз ставкаси депозит суммаси ва муддатдан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади.**

**Шунингдек, банк учинчи эмиссия акцияларини эълон қилди ва ушбу акцияларни сотиб олишни таклиф этади.**

**Бизнинг манзил: Тошкент ш., П.Ржевский кўчаси, 3-уй. Тел: 54-06-95.**
**Омонат жамғармалари банкнинг барча минтақавий бўлинмалари томонидан ҳам қабул қилинади.**

## АНДИЖОНДА ТЕННИС БАЙРАМИ

Андижон шаҳридаги теннис клубига ташриф буюрсангиз, бу ерда катта теннис оммавийлашиб бораётганига гувоҳ бўласиз. Мазкур клуб кортларида мунтазам равишда турли мусобақалар ўтказилмоқда ва унинг ғолиблари республика мусобақаларида вилоят шаънини шараф билан ҳимоя қилмоқда. Ҳар дам олиш куни бу ерда «Авесто» теннис клубининг иштирокчилари - катта теннис ҳаваскорлари ўзаро беллашади.

Шундай мусобақалардан бири Ўзбекистоннинг икки карра чемпиони Анатолий Арисовнинг 60 йиллик юбилейига бағишланди. Бугунги кунда ўн беш йил олдин қўлига ракетка олган устознинг ўзи ва унинг фарзандлари - қизи Татьяна ва ўғли Дмитрий ёш теннисчиларни тайёрлашда мураббийлик қилмоқда. Шунингдек, турнир вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги теннис бўйича Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Набижон Қорабоевнинг ҳам юбилейига бағишланган. Н.Қорабоев ҳам 60 ёшга тўлди, теннис билан шуғулланиш унинг учун турмуш тарзига айланган.

Мусобақаларда иштирок этиш учун Андижонга Наманган ва Тошкентдан таниқли теннисчилар ташриф буюрди. Турнирдаги уларнинг чиқишлари мусобақаларни ҳақиқий спорт байрамига айлантирди.

## ЎГИТЛАР



*Жавонмард (сахий)да уч фазилат бор: жазо беришга ҳақли бўлса-да, авф этади; моли заковатини батамом беради; меҳмонни азиз билиб, дўст тутади.*

* * *

*Дўстда уч фазилат бор: ўз нафсини дўстига бағишлайди; бойлигини дўстига ошкора қилади; дўстининг сирини фош қилмайди.*

* * *

*Жаннат эшигига: «Бу жаннат бахилларга, риёкорларга ва ота-онасига озор берганларга ҳаромдир», - деб ёзиб қўйилган.*

* * *

*Худонинг розилиги ОНА ва ОТАнинг розилигидадир ва Худо таолонинг ғазаби уларнинг ғазабидадир.*

Тошкент Давлат университети томонидан Якубова Дилбар Ульмасовна номига 1987 йил 27 июнда берилган КВ № 850744 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Р.Х.Жўраевга акаси **Болибек ҲАЙДАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134*

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.15